



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 апрель куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Президент Владимир Путинга самимий қутлов ҳамда куни кеча Бухоро вилоятида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши якунлангани ва ишга туширилгани муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда Россиядан нуфузли делегация иштирок этгани учун чуқур миннатдорлик билдирди.

«ЛУКОЙЛ» компанияси билан ҳамкорликда табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича ишга туширилган юқори технологик ишлаб чиқариш мажмуаси мамлакатларимиз ўртасида тобора мустақамланиб бораётган стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг яна бир ёрқин намунаси экани алоҳида таъкидланди.

Мулоқотда олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувлар доир

расида Ўзбекистон — Россия кўп қиррали алоқаларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти Россия Президентига давлат таширифи билан мамлакатимизга келишни яна бир бор тақлиф этди. Тақлиф мамнуният билан қабул қилинди. Таширифнинг аниқ муддати дипломатик каналлар орқали келишиб олинади.

Мулоқот сўнигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин турли форматларда ўзаро алоқаларни фаол давом эттиришга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Ў.А.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



“Mening fikrim” — демократиянинг илғор механизми

Шу йилнинг 20 апрелидан “Mening fikrim” веб-портали синов тариқасида ишга туширилди.

Бу ҳақда Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида мазкур веб-портал тақдиротиға бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида айтиб ўтилди.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида қонунлар муҳокамасига кенг халқ оммасини жалб қилиш, бунинг учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, жумладан, интернет тармоғида махсус “майдон”лар яратиш, демократиянинг илғор механизми сифатида жамоа бўлиб электрон мурожаат киритиш тартибини татбиқ қилиш зарурлигини алоҳида қайд этган эди. Ўтган вақт мобайнида бу борада сезиларли ишлар амалга оширилганини юқоридаги махсус веб-саҳифа ташкил этилгани мисолида қўриш мумкин.

Анжуманда “Mening fikrim” веб-порталининг яратилиши, ўзига хос хусусиятлари, техник имкониятлари, электрон жамоавий мурожаатларни йўллаш шартлари, мурожаатларни

қўриб чиқиш тартиби ҳақида маълумотлар берилди.

Хар қандай одам интернетдан фойдаланаётганда, электрон мурожаат қилаётганда, энг аввало, қулайликка аҳамият қаратади. Шу боис ушбу веб-портал концепциясини тайёрлашда уни қулай ва содда тартибда ишлаши устида қўллаб-қувватлаш олиб борилди, бунда ўндан зиёд илғор хорижий давлатларнинг таърибаси чуқур таҳлил этилди ва уларнинг ижобий жиҳатларидан унумли фойдаланилди.

Анжуманда таъкидланганидек, мазкур концепциянинг кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилгани, унда нафақат Олий Мажлис депутатлари, балки электрон жамоавий мурожаатларни маҳаллий микёсда қўриб чиқишга ваколатли халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари ҳам иштирок этгани веб-порталнинг янада пухта ва тушунарли бўлишида муҳим омил бўлди. Лойиҳанинг германиялик экспертлар томонидан халқаро экспертизадан ўтказилгани эса унинг халқаро стандартларга тўла мос келишини таъминлади.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ФУҚАРОЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАМДА ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН ТУРАР ЖОЙЛАРГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ БЎЙИЧА БИР МАРТАЛИК УМУМДАВЛАТ АКЦИЯСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда аҳолига, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида муносиб уй-жой шароитларини яратишга қаратилган кенг кўламли давлат дастурлари амалга оширилди.

Хусусан, 2009 — 2017 йиллар давомида 81 992 та уй қурилди, 6 624 та уй-жой массиви барпо этилди, зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари ўтказилиши таъминланди. 2016 йилдан қишлоқ аҳолиси учун янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилишини назарда тутувчи сифат жиҳатидан янги давлат дастури амалга оширилмоқда. 2017 йилнинг ўзида қишлоқ жойларида 18 мингдан ортиқ қулай шарт-шароитга эга бўлган уйлар барпо этилди.

Шунингдек, фуқароларнинг қонунчиликда мерос қилиб қолдирилаётган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ажратилган ер участкаларида яққда тартибда уй-жой қуриш ҳуқуқи қафолатланган.

Шу билан бирга, ер тузиш ва кадастр органлари томонидан ўтказилган республика кўчаси мулк фондининг ялпи хатлови яққда тартибда уй-жой қуриш соҳасида, айниқса, қишлоқ жойларида қонунийлиқни таъминлаш масалаларида тизимли хатолар ва

жиддий камчиликларга йўл қўйилганлигини кўрсатди.

Хусусан, уй-жойга эга бўлиш ва қуришнинг қонуний механизмлари мавжуд бўлишига қарамасдан минглаб фуқаролар кўп йиллар давомида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида яққда тартибда уй-жойларни ноқонуний барпо этишган.

Бундай ҳолатларнинг юз беришига давлат органлари, энг аввало, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, шу жумладан, ер кадастри, архитектура ва қуриш соҳасидаги ваколатли органларнинг бепарволиги сабаб бўлди.

Фуқароларга ер участкаларини уй-жой қуриш учун муайян тўлов эвазига ноқонуний бериш юзасидан фермер ва деҳқон ҳўжалиқларининг тил бириктириши бўйича қўллаб қўлатлар мавжуд.

Натижада ушбу муаммо бутун республика бўйича оммавий тус олди ва уй-жой учун зарур ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги аҳолида бошқа иқтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига, хусусан, ҳақиқатда яшаб турган жойга прописка қилиниши, мулк ҳуқуқига эга бўлиш ва уни амалга ошириш имконияти мавжуд эмаслигига олиб келди.

Фуқароларнинг уй-жой мулкига кадастр ҳужжатларини беришни сўраб

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига 5 мингдан ортиқ, депутатлар, сенаторлар, давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари томонидан ўтказилган сайёр қабулларда 3 мингдан зиёд мурожаатлари келиб тушган.

Уй-жойга доир ҳуқуқларнинг амалга оширилиши ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек, фуқароларга тегишли бўлган турар жойларни давлат рўйхатидан ўтказишда кўмаклашиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг фуқароларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган турар жойларига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталиқ умумдавлат акциясини (кейинги ўринларда бир марталиқ акция деб юритилади) эълон қилиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ТАДБИРКОРЛИК ВА ШАҲАРСОЗЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ДОИМИЙ ФОЙДАЛАНИШГА БЕРИШ ТАРТИБИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ерлардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектларни макбул жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ер участкаларини бериш тартиб-таомиллари ношаффоф ва бюрократиялаштирилган бўлиб қолмоқда, бу эса тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳудудларнинг замонавий меъморий қиёфасини яратишда ерлардан самарали фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига келиб тушаётган ер участкаларини беришдаги ҳуқуқбузарлиқлар ёки уларни асоссиз олиб қўйиш билан боғлиқ қўллаб қўржаатлар ер участкаларини

беришнинг танлов тартиби лозим даражада йўлга қўйилмаганлигини кўрсатмоқда.

Ваколатли органлар фаолиятида ер участкаларини бериш бўйича материалларни қўриб чиқиш ва келишишда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан тўлиқ ҳажмида фойдаланиш таъминланмаётти, бу эса рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг расмийлаштириш муддатларининг қўзилишига ва бюрократик тўсиқларга сабаб бўлмоқда.

Қўнчилик аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режалари ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари мавжуд эмаслиги, эскирган ва замонавий талабларга жавоб бермайдиган шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари комплекс қуриш талабларига риоя этилмаслигига ва аҳоли пунктлари-

нинг меъморий қиёфаси ёмонлашувига олиб келмоқда.

Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини бериш механизмларини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлардаги бюрократик тартиб-таомиллар ва тўсиқларни қисқартириш мақсадида:

1. 2018 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб белгилансинки, унга қўра: юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали амалга ошириладиги;

(Давоми 2-бетда).



ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 2018 йил 23-24 апрель кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Анъанавий дўстлик ва ўзаро ишонч муҳитида ўтадиган икки томонлама учрашувлар ва олий даражадаги музокараларда кўп қиррали Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларини ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар муҳома қилиниши режалаштирилган.

Ташриф дастурида давлат раҳбарларининг Тошкент шаҳридаги «Ашхобод» паркининг очилиш маросимида иштирок этиши кўзда тутилган. Ушбу маскан мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларининг ёрқин рамзларидан бирига айланиши кутилмоқда. Шунингдек, чегарадош Хоразм вилоятига ташриф ҳам режалаштирилган. Ташриф доирасида Ўзбекистон ва Туркменистон етакчи иқтисодий тузилмаларининг бизнес форуми бўлиб ўтади.

Музокаралар якуни бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, транзит ва спорт соҳаларида икки томонлама ҳамкорлиқни янада мустақамлашга қаратилган салмоқли ҳужжатлар тўплами имзола-ниши кутилмоқда.

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН ДЎСТЛИК

Хабар берилганидек, жорий йилнинг 23-24 апрель кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Олдинда турган олий даражадаги учрашув икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашиш имконини беради. Маълумки, ўзбек ва туркман халқларини кўп асрлик ришталар боғлаб туради, давлатларимиз раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ҳамда Гурбангули Бердимухамедов ўртасидаги ўзаро ишонч ва самимият икки мамлакат муносабатларининг мустақам пойдеворидир.

Шуни қайд этиш жоизки, Президентларнинг ҳар бир янги учрашуви Ўзбекистон ҳамда Туркменистон ҳамкорлиги кўламини янада кенгайтириш, хали лозим даражада равнақ топмаган йўналишларга эътибор қаратиш имкониятини яратди. Туркменистон давлат

раҳбарининг олдинда турган давлат ташрифи ҳам ана шундай жиҳатлари билан муҳим воқеа бўлиб қолади.

Энг аввало, шу пайтга қадар амалга оширилган ишларни ёдга олиш ўринли бўлади, албатта. Ўтган йилнинг март ойида ўзбек — туркман ҳамкорлиги тарихида унутилмас воқеа рўй берди — Ўзбекистон Президенти давлат ташрифи билан Туркменистонга борди. Бу Шавкат Мирзиёевнинг масъулиятли лавозимдаги биринчи хорижий сафари бўлди. Беҳад самарали учрашув ва музокараларнинг асосий натижаси ўлароқ, икки томонлама муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга — стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

(Давоми 2-бетда).



МОЛИЯ БОЗОРИДАГИ ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

“BankExpo — 2018” миллий кўргазмасида намоиш этилмоқда

Пойтахтимиздаги “Ўзкўргазмасавдо” мажмуида молия-банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари — “BankExpo — 2018” миллий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Қаратилган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмиталари, Марказий банк, Ўзбекистон банклари ассоциацияси, “Тараққиёт стратегияси” маркази ҳамда Ўзбекистон Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Жараён

Айтиш керакки, республикамиз молия бозоридаги йирик анжуманлардан бири бўлган мазкур кўргазмада тизим ривожига хизмат қилувчи илғор технологиялар ҳамда ечимлар, инновацион воситалар, замонавий ахборот технологияларидан янада самарали фойдаланиш йўналишлари намоиш этилаётти. Унда, шунингдек, кенг омма янги технология ва хизматлар билан яқиндан танишиш имкониятига ҳам эга бўлмоқда. Бинобарин, кўргазмада мамлакатимиздаги барча тижорат банки, етакчи лизинг, суғурта ҳамда ахборот технологиялари компаниялари қатнашаётти.

— Биз онлайн тарзда хизмат кўрсатишга мўлжалланган қўллаб

янги қурилма ва мобиль илова-ларни тақлиф этаёпмиз, — дейди “Agrobank” акциядорлик тижорат банкнинг Ахборот технологиялари департаменти директори Зафаржон Мамажонов. — Масалан, жорий йилнинг 2 апрелидан бошлаб филиалларимизда хорижий “VISA” карточкаларидаги маблағларни нақд шаклда олиш имконияти яратилган бўлса, “Agrobankmobile” иловаси орқали миллий валютани хориж валютасига конвертация қилиш, унинг “Омонатлар” бўлимида эса онлайн депозит ҳисобварағи очиб, маблағ ўтказиш йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда).



Шоурот ШАРАПОВ олган сурат.

Кўргазмага келувчилар чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик, асарларчилик, иссиқхона ҳўжалиги, ўзумчилик, болалар бончалари, мактаблар ҳамда бошқа ижтимоий объектларни қуриш ва реконструкция қилиш соҳаларидаги лойиҳаларни молиялаштиришнинг замонавий усуллари тўғрисидаги тақдимотлар билан танишадилар.

Конун кучга кирди

“Судланган” деган важ билан ишга қабул қилмаслик тақиқланди

Мамлакатимизда муқаддам судланган шахсларни ишга қабул қилмаслик, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно, ёхуд шахсларни уларнинг яқин қариндошлари судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилишни рад этиш қонун билан тақиқланди. Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 78-моддасига киритилган қўшимча билан мустаҳкамлаб қўйилди.

— Ҳақиқатдан ҳам, илгари амалиётда яқин қариндошлари судланганлиги боис шахс- ни ишга қабул қилишни рад этиш ҳоллари мавжуд эди, — дейди Ўзбекистон Республи- каси Олий Мажлиси Сена- тоси Эгамберган Рўзметов. — Мисол учун, биргина 2016 йилда Адлия вазирлиги- га фуқаролардан яқин қарин- дошларининг ёки ўзининг суд- ланганлиги муносабати билан ишга қабул қилиш рад этил- ганлигидан норози бўлиб 33 та мурожаат келиб тушган. Ички ишлар вазирлиги маъ- лумотларига кўра, 2016 йил- да 87412 та жиноят бўйича жиноий жавобгарликка тор- тилган ва муқаддам судлан- ган 93 минг 139 нафар шахс рўйхатга олинган. Сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарори- га мувофиқ, 2016 йилнинг охирида 39 минг 748 нафар киши жазодан озод қилинган. Уларнинг реабилитация қили-

ватанпарвар бўлса, ташаббус- кор бўлса, бошқарувга жалб қиламиз”, деб таъкидлади. Шу фикр ва тавсиялар ҳамда фуқаролар муурожаатлари таҳ- лили асосида Ўзбекистон Рес- публикасининг Меҳнат кодек- сига тегишли қўшимча кири- тилди. Бу халқимизни кўп йил- лардан буюн қўйнаб келаёт- ган ўткир муаммога амалий- ҳуқуқий ечим бўлди, албатта.

Шуни қайд этиш керакки, мазкур жараёнда хорижий мамлакатларнинг ушбу соҳа- га оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти чуқур ўрганилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Франция, Латвия, АКШ, Буюк Брита- ния қонунларида яқин бел- гиларига кўра камситиш, жумладан, шахснинг судлан- ганлиги туфайли уни ишга қабул қилишни рад этиш тақиқланган.

Умуман, янги норма дав- лат хизматида содоқатли, та- шаббускор кадрларни жалб этишга, меҳнат қилиш ҳамда ишни эркин танлаш ҳуқуқи кафолатларининг кучайтири- лишига хизмат қилди.

Қобил ХИДИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Германияликлар бетакорр маданий меросимиз билан танишишди

Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасида “Чет эл давлатлари билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлаш: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси” мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

ҲАМКОРЛИК

Германия — Ўзбекистон дўстлик җамияти ҳамкорли- гida ташкил қилинган маз- кур тадбирда мамлакатимиз вазирлик ва ташкилотлари ходимларидан иборат деле- гация аъзолари, немис сиёсий, иқтисодий ва жа- моатчилик доиралари вакил- лари қатнашди.

Дастлаб юртимизнинг ижтимоий, иқтисодий, мада- ний ва туристик салоҳияти- ни акс эттирувчи кўргазма уюштирилди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг Германиядаги Факулoдда ва мухтор элчиси Набижон Қосимов мамлакатимизда амалга оширилаётган исло- хотлар ҳамда бу борада икки давлат ўртасидаги дўстлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётгани хусусида сўз юритди.

Европаликларга Ўзбекис- тон Республикасини ривож- лантиришнинг бешта усту- вор йўналишини бўйича Ҳара- қатлар стратегияси мазмун- моҳияти ҳақида маълумот тақдим этилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузу- ридаги Миллатлараро муно- сабатлар ва хорижий мам- лакалар билан дўстлик ало- қалари кўмитаси вакиллари томонидан кўмита фаолия- ти ҳамда унинг олдida тур- ган долзарб вазифалар тўғрисида гапириб берилди.

Ўзбекистон — Германия дўстлик җамияти ижрочи ди- ректори Галина Асташова- нинг “Халқ дипломатияси — тинчлик ва оқсоишталик га- рови” мавзусидаги маъруза- си икки томонлама ҳамкор- ликни мустаҳкамлашда но- давлат нотижорат ташкилот- ларининг ўрнига бағишланди. Ўзбекистон давлат санъат ва

маданият институти чолғу ижроси кафедраси мудири Ўрозали Тошматовнинг чиқиши ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. У ўзбек халқининг аънава ва урф-одатлари, Наврўз умум- халқ байрамининг тарихи ҳамда ўлкамизда кенг нишон- ланиши тўғрисида батафсил фикр юритди. Чанқовуз ва сурнайда қилган ижросини тадбир қатнашчилари олқиш- лар билан қутиб олишди.

— Бугунги тадбир бизга бебаҳо маданий меросингиз- нинг янги қирраларини очиб берди, — дейди Германия — Ўзбекистон дўстлик җамия- ти аъзоси Питер Шпари. — Биз юртингиз билан сиёсий, ижтимоий, иқтисо- дий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш иста- гидамиз. Бундай учрашувлар бир-биримизни яқиндан та- нишга ва шу орқали халқла- римиз ўртасидаги дўстлик алоқаларининг мустаҳкамла- нишига хизмат қилди.

Тадбир доирасида ишти- рокчиларга Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига ба- гишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ
тайёрлади.

22 апрель — Бутунжаҳон Ер куни

Заминимиз умумий майдонининг 29 фoиздан ортиқроғи қуруқликка тўғри келади. Мамлакатимизда эса суғориладиган ерлар атиғи 3 миллион 300 минг гектар бўлиб, барча қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларининг 95 фoиздан ортиғи ушбу майдонларда етиштирилаяпти. Бироқ иқлим ўзгариши, чўлланиш, биологик хилмаҳилликнинг қисқариши, атмосфера ва сув манбаларининг ифлосланиши каби омиллар атроф-муҳитта, умуман, унумдор заминга жиддий зарар етказмоқда.

Ҳисоб-китобларга қарағанда, ушбу жараёнлар туфайли дунё бўйича йилга ўртача 6-7 миллион гектар майдондағи экин майдонлари қишлоқ ҳўжалиғида фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолмоқда. Шунингдек, 13 миллион гектар ўрмонлар йўқотилаяпти. Буларнинг барчаси сайёраимизда экологик барқарорлик бузилишига олиб келаетир. Шу боис 1970 йилдан бошлаб ҳар йили 22 апрель куни дунё мамлакатларида турли тадбирлар ва акциялар ўтказилади. 2009 йилдан буюн эса БМТ Бош Ассамблеяси қарорига асосан, ушбу сана “Бутунжаҳон Ер куни” сифатида нишонланади.

Тириклик манбаи, бебаҳо бойлик Унинг қадрига етаяппимизми?

Таъкидлаш жоизки, мамлаката- мизда ер ресурсларидан самарали фойдаланишининг институционал ва ҳуқуқий базаси Ўзбекистон Респу- бликасининг Ер кодекси, Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги, “Фермер ҳўжалиғи тўғрисида”ги, “Деҳқон ҳўжалиғи тўғрисида”ги, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундан ташқари, 2017 — 2021 йил- ларга мўлжалланган Ҳаракатлар стра- тегиясида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилиб, ер ва сув ресурслари- дан оқилона фойдаланиш мақ- садида қишлоқ ҳўжалиғи экин май- донларини мақбуллаштириш орқали пахта ҳамда ғалла майдонларини қисқартириш, улар ўрнига эса бошқа экинларни жойлаштириш, суғорила- диган ерларнинг мелiorатив ҳолати- ни яхшилаш, ирригация объектлари- ни модернизациялаш ишлари жадал амалга оширилмоқда. Бинобарин, қишлоқ ҳўжалиғи экин майдонлари- ни сув билан кафолатли таъминлаш мақсадига ҳар йили Давлат бюдже-

тидан 2 триллион, суғориладиган ер- ларнинг мелiorатив ҳолатини яхши- лашга эса 400 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилаяпти.

Ҳосилдорлиги паст ерларда пах- та етиштирувчи фермер ҳўжаликла- рини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджетидан аж- ратилаётган маблағлар миқдори ҳам тобора ортаётир. Масалан, бунинг учун 2008 йилда 80 миллиард сўм йўналтирилган бўлса, ўтган йили ушбу кўрсаткич 300 миллиард сўмга етка- зилди.

2013 — 2017 йилларда суғорила- диган ерларнинг мелiorатив ҳолати- ни яхшилаш ва сув ресурслари- дан оқилона фойдаланиш Давлат дастури доирасида амалга оширил- ган ишлар ҳисобига кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 149,4 минг гектарга камайди. Сизот сувлар ер юзасига яқин жойлашган майдонлар эса 302,9 минг гектарга қисқарди. 897 минг гектардан кўпроқ ернинг мелiorатив ҳолатини сақлаш чора- тадбирлари қурилиб, суғориладиган 1,3 миллион гектардан кўпроқ ер- ларнинг сув таъминоти яхшиланди.

2018/2019 йилларда ирригация тармоқларини ривожлантириш ва су-

ғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича Давлат дастурига мувофиқ, ерларнинг шамол эрозиясига ҳамда сув ҳўжа- лиғи объектларини кум босишига қарши 3 минг гектарга яқин майдон- да ихота дарактзорлар барпо этиш ва реконструкция қилиш ишлари белгиланган. Дастурга кўра, шунинг- дек, 1086 километр узунликдаги каналлар ўзанлари бетон билан қопланиб, 661 километр лотоклар янгидан бунёд этилиши, шунингдек, 109 та йирик гидротехник иншоот қурилиши ва янги насос станциялари урнатилиши кўзда тутилган. Пировар- дида 1 миллион 200 минг гектар ернинг сувга эҳтиёжи маромига келтирилди.

Президентимизнинг “Ерларни му- хофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни ку- чайитириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, дав- лат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”- ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Рес- публикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри дав- лат кўмитаси фаолиятини янада та- комиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги қарори қишлоқ ҳўжали- ги ерларидан, айникса, суғорилади- ган майдонлардан бошқа мақсадлар- да фойдаланишининг олдини олиш юзасидан назоратни янада кучайтириш, ер фонди ҳисобини юритишни тизимлаштириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

Айни пайтда депутатлар давлати- миз раҳбарининг Қишлоқ ҳўжалиғи ходимлари кунига бағишланган тан- танали маросимдаги нутқидан келиб чиқиб, ерга бўлган муносабатни яна- да кучайтириш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар мутахассис- лари иштирокида Ер кодексини яна- да такомиллаштириш ҳамда Маъму- рий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс- га қўшимчалар киритиш устида иш олиб бормоқда. Зотан, ер тириклик манбаи, бебаҳо бойлик экан, уни асраб-авайлаш, ҳар қаринчидан унум- ли фойдаланиш давр талабидир.

Садиржон ЖАҚБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
депутати.

Тақдимот

Хотин-қизлар учун “Дугоналар”

Ёшлар ишди саройида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Дугоналар” журналининг тақдимот маросими ўтказилди.

Тантанали тадбирда сенатор ва депутатлар, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, ижодкор-зиёлилар ва ёшлар қатнашди.



Сўзга чиққанлар юртимизда хотин- қизлар оила ҳамда җамият устуни, ҳаётимизнинг фазйи ва кўрки сифа- тida эъзозланиб, уларга ҳурмат-эҳти- ром кўрсатилаётганини таъкидлашди. “Дугоналар” журналининг таъсис этилишида ҳам аёллар маънавиятини янада бойитиш, ёшлар маърифат- ли қилиб тарбиялаш, намунали оила- ни шакллантириш ва миллий қадри- ятларини янада мустаҳкамлашдек эзгу мақсадлар мумкин.

— Биз ушбу журнални ҳар бир ёш, ҳар бир қиз ва онанинг, ҳатто момо- ларнинг ҳам севиб, бир-бирларига тавсия этиб ўқийдиган наширга ай- лантиришни ният қилдик, — дейди журналининг бош муҳаррири Ҳалима Худойбердиева. — Бу йўлда барчани ижодий ҳамкорликка чақирамиз.

Журналнинг нишона сони 32 саҳи- фадан иборат бўлиб, унда “Эътироф”, “Жараён”, “Исломда аёл”, “Мулоҳаза”, “Биллур туйғулар”, “Сиз қайси бекат- дасиз?”, “Изланиш”, “Жилва”, “Ўзлик” ва бошқа рункларда җамиятимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар, хотин- қизлар ҳамда ёшлар ҳаётидаги янги- ланиш жараёнлари, уларнинг билим ва маънавиятини юксалтиришга қаратилган долзарб мавзулардаги таҳ- лилий мақолалар, суҳбатлар, бадиа- лар, шеърлар ҳамда бошқа жанрлар- даги материаллар чоп этилган.

Тадбирда баҳор ва аёл ғўзаллиғи, она ҳамда Ватан муқаддаслиғини тараннум этган дилбар қўшиқлар ангради.

Дилшод КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Учрашув

Академик банк ходимлари ҳузурида

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини тасдиқлаш ҳақида”ги Фармониға мувофиқ сайланган академиклар айни пайтда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида халқ билан учрашувлар ўтказмоқда.

Ана шулардан бири “Туронбанк” АТБда академик Бахтиёр Назаров иштирокида бўлиб ўтди.

Учрашувда мамлакатимизда 2018 йилнинг “Фаол тадбиркорлик, инновация оғялар ва технология ларини қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилиниши, олиб бори- лаётган ислохотлар мазмун-моҳи- яти, юртимиз ривожига илм-фан- нинг аҳамияти ҳақида сўз борди. Хусусан, банкнинг келгусидаги ри- вожланишида инновация ютуқла- ридан самарали фойдаланиш за- рурлиғи, ходимларнинг маънавий- маърифий савиясини ошириш давр талаби эканлиғига эътибор қаратилди.

— Илм-фанни қўллаб-қувват- лаш, унинг ютуқларидан самара-

ли фойдаланиб фуқароларнинг турмушини яхшилаш, мамлакатни раванқ топтириш, тинчликни мус- таҳкамлаш, юртни янада обод ҳамда фаровон қилиш мумкин, — деди Б. Назаров. — Президентни- миз томонидан таълим тизими ри- вожига катта эътибор берилаётга- ни, ўқув ва илмий-ишлаб чиқариш даргоҳлари жаҳон талабларига мос моддий-техника базаси билан та- минланаётгани, илм-фан намоён- даларига барча шарт-шароитлар яратиб берилаётганидан қўзғалган эзгу муддао ҳам шу.

Мулқот қянида банк ходим- лари ўзларини қизқитириган савол- ларга атрофлича жавоб олди.

М. АҲМАДЖОНОВ.

Суд җимоясида

АЙБСИЗ ОДАМНИ БАДНОМ ЭТИШ — КЕЧИРИБ БЎЛМАС ГУНОҲ

Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган демократик ислохотлар туфайли 2017 йилда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 262 нафар шахс оқланди. Бу шунчаки рақамлар эмас. Уларнинг ҳар бири ортида инсон тақдирини, шаъни ва қадр- қиммати ётибди. Муҳими, ушбу адолатли қарорлар туфайли қанчадан-қанча кўнгиллар обод бўлди, хонадонларга шодлик қайтди, ота-оналар ва фарзандлар юзларига табассум югурди...

Маълумки, суд оқлов ёки айблов ҳукми чиқариш билан адолатни қарор топтирувчи ягона маҳкамадир. Борди-ю шу иккисидан бири амалиётда мутлақ унутилган бўлса-чи? Бу фикрни бежиз айтаётганимиз йўқ. Бундан бир неча йил олдин, яъни 2012 — 2016 йилларда бор-йўғи 7 нафар шахсга нисбатан ана шундай қарорлар чиқарилган, холос. Акса- рият ҳолларда терговдаги айблов ўз тасдиғини топмаса, судлар жиноят ишини қўшимча терговга юбориш билан қифояланган, ачинарлиси,

шунга ҳам ҳар бир судья журъат этолмаган.

Президентимиз бундай нотабий аънамага чек қўйиш мақсадида 2016 йил 19 октябрда Тадбиркорлар ва ишби- ланмалар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездида шундай деган эди: “Энг ачинарлиси, кейинги йилларда суд- лар томонидан бирорта ҳам оқлов ҳукми чиқарилмаган. Бундан биз, бар-

ча тергов органлари хатосиз ва жуда сифатли даражада ишлаяпти, деган хулосага келишимиз мумкинми? Йўқ, албатта. Суд ёки оқлов ёки айблов ҳукмини чиқариши керак”.

Олий суд томонидан судларнинг 2018 йилнинг биринчи чорағидаги шу йўналишдаги фаолияти ўрганиб чи- қилганда, улар мазкур муҳим маса- лага қатъий масъулият билан ёнда- шаётгани аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 114 нафар шахсга нисбатан 68 та жиноят иши бўйича судланувчи ҳамда маҳкумларни оқлаш ва реабилитация қилиш тўғрисида қарорлар чиқарилди.

Бевосита Олий суд томонидан жиноят иши бўйича чиқорилган қўйи судларнинг айблов ҳукмлари бекор қилиниб, 11 нафар шахс оқланди.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида апелляция, кассация ҳамда назорат босқичларида маҳкумлар ва уларнинг адвокатлари тақдим этган шикоятлар ососида жиноят ишлари кўриб чиқилиб, 50 нафар шахс оқланди, 64 нафари эса дастлабки тергов органлари томонидан судга юборилган жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўриш натижасига кўра айбсиз деб топилди.



Шундан бўлса керак, улар дастлабки терговга ҳам, судга ҳам чақирилмаган. Шу боис кассация инстанцияси тинтув ўтказиш ҳақидаги баённома ва бирин- чи инстанция судининг уни далил, деб топган хулосасини номақбулга чиқар- ди ва пировардида яна бир айбсиз инсон оқланди.

Агар Д. Пирматовни айблашда но- мақбул далиллардан фойдаланилган бўлса, наманганлик яна бир ички иш- лар ходими ишида енгилтаб аёлнинг қуруқ гапи асос қилиб олинган. Даст- лабки тергов органи томонидан суд- ланувчи Р. Жўраев 2013 йил январда М. Шариповнинг хонадонига келиб, Омина, Гули ва Сетора тахаллусли қиз- ларни уяли телефонида тасвирга ту- шуриб, уни телевидениега бермаслик эвазига 100 минг сўм пора олгани айб- лов сифатида келтирилган. Аммо шу воқеалар бўлган пайтда судланувчи ИИБ Академияси дала-ўқув машғуло- тida бўлган, полигондан ташқарига чиқмаган. Бунини у билан машғулотда бирга бўлган наманганлик 43 нафар ИИБ ходими тасдиқлаган.

Р. Жўраевга пора беришда қатнаш- ганлиги айтилган қизлар уни умуман кўрмагани ва танимаслиғи, М. Шарипова кўрсатма беришга мажбурлаганини билдирган. Қисқаси, айбланувчининг пул олганлигини тасдиқловчи бирор- бир далил бўлмагани боис 2017 йил 17 ноябрда оқланди.

Шулардан ҳам аён бўлмоқдаки, ҳали судлар олдида долзарб вазифалар ту- рибди. Энг аввало, судьялар жиноят ишларини кўришда ҳеч қимни қонун- сиз айбламаслиғи, фақат айби асосли далиллар билан исботланган шахслар- ниғина жавобгарликка тортиши, аксин- ча бўлган ҳолларда эса оқлашлари керак. Зеро, ана шунда судлар том маънода “Адолат кўрони” сифатида ўзини тўлиқ намоён этади.

Воҳид НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди Жиноят ишлари бўйича
судлов ҳайъати раиси ўринбосари.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

хорижий Шарқ ва Ғарб мамлакатлари тиллари, адабиёти, тарихи, маданияти, халқаро муносабатлари, шунингдек, хорижий Шарқ минтақаси мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлари ривожланишини ўргатувчи Марказий Осиёдаги энг йирик ва нуфузли олий ўқув юрти ҳисобланади. Бугунги кунда институтда бакалавриятнинг 7 та йўналиши ҳамда магистратуранинг 10 та мутахассислиги бўйича таълим берилади. Қуйида 2017/2018 ўқув йилида институтни мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида битираётган талабалар ҳақидаги маълумотлар вилоятлар кесимида берилган. ТошДШИ раҳбарияти республикаимиздаги давлат муассасалари, корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан мавжуд вақант иш ўринлари ҳақида маълумот беришларини сўрайди.

2017/2018 ўқув йилида Тошкент давлат шарқшунослик институтини битирувчилар тўғрисида маълумот

T/p	Таълим йўналишлари (мутахассисликлар)		Битирувчи-лар сони			Қорақалпо-ғистон Рес-публикаси			Андронон вилояти			Бухоро вилояти			Жиззах вилояти			Навоний вилояти			Наманган вилояти			Самарқанд вилояти			Сурхондарё вилояти			Сирдарё вилояти			Тошкент вилояти			Фарғона вилояти			Хоразм вилояти			Қашқадарё вилояти			Тошкент шаҳри			Бошқа давлатлар																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																													
	коди	номи																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																											
			Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт	Жами	грант	контракт																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																	
		Бакалаврият	480	51	429	1	1		14	3	11	15		15	7	2	5	20	3	17	35	2	33	14		14	28	4	24	6	2	4	42	6	36	25	1	24	8		8	43	5	38	219	22	197	3	3																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																												
1.	5120100	Филология ва тилларни ўқитиш (араб, форс, турк, дарий, пушту, япон, корейс, индонейз, малай, вьетнам)	159	11	148				6	1	5	6		6	2		2	3	1	2	8	1	7	2		2	3		3	1		1	20	2	18	6		6			11	1	10	89	5	84	2	2																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																													
2.	5120100	Филология ва тилларни ўқитиш (хитой филологияси)	55	5	50				1		1							2		2	3		3	1		1				1	3		3						1		1	43	5	38																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																	
3.	5120200	Таржима назарияси ва амалиёти (Шарқ тиллари бўйича)	14	5	9													1		1						3	1	2				2	1	1								8	3	5																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																	
4.	5120300	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	69	7	62				1		1	1		1	3	1	2	3		3	6		6	9		9	6	2	4	2	2	2	1	1	5	1	4	2		2	9	2	7	20		20	4																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																														
5.	5120500	Фалсафа	21	5	16									1	1		1	3		2	2		2			3	3	1	1		2	2	1	1	1	1		2	3	1	2	4		4																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																	
6.	5120700	Жаҳон сиёсати (минтақалар бўйича)	63	12	51	1	1		4	2	2	2		2	1		1	3	1	2	10		10			3	1	2	1	1		5	1	4	4		4	3		3	6		6	20	5	15																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																															
7.	5231000	Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакат-шунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	99	6	93				2		2	5		5			5	5	6	1	5	2		2	10		10				8	8	9		9	3		3	13	1	12	35	4	31	1	1																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																															
		Магистратура	82	18	64	1		1	1		1	1		1	3		3	2		2	3	2	1	4	1	3	5	1	4	3		3	3	2	1	4		4	4	1	3	8	1	7	39	10	29	1	1																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																												
1.	5A 120101	Адабиётшунослик (Шарқ тиллари)	8	2	6																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																																								</

Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 25-уй. Телефонлар: (0-371) 233-34-24, (+99895) 194-40-70.

UTC FARG'ONAGAZ

Қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Фарғона вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали

«Ўзбекнефтегаз» АЖ томонидан тасдиқланган, 2018 йил манзилли дастурига киритилган Фарғона вилоятининг Қўштепа ва Фурқат туманларида газ баллонларини синавдан ўтказиш шохобчалари қурилиши ҳамда Учқўприк тумани, «Кенагаз» ҚФЙ ҳудудидаги мавжуд газ тўлдириш шохобчасини газ тўлдириш станциясига айлантириш бўйича қайта таъмирлаш (реконструкция) ишларини бажариш учун хавфи юқори бўлган объектларни қуриш ҳуқуқини берувчи махсус лицензияга эга корхона ва ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.

Тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Фарғона шаҳри, Б. Марғиновий кўчаси, 76-уй.

Телефон: (+99873) 229-04-36.



«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» АЖ

2018 йил давомида хом ашё материаллари, жиҳозлар, ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.

Батафсил маълумот олиш учун сайт: www.uzbeksteel.uz

Таклифларни қуйидаги манзилга юбориш лозим:

110502, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Сирдарё кўчаси, 1-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+99870) 214-20-99, 214-17-48, 214-14-33, 214-12-40.

E-mail: info@uzbeksteel.uz



15 anniversary

MebelExpo Uzbekistan

15-йубилей халқаро кўргазмаси
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.
ЁҒОҒЧА ИШЛОВ БЕРИШ. МЕБЕЛЬ ВА ИНТЕРЬЕР.

2018 йил 24 — 26 апрель

Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ» МКК, 3 ва 4-павильонлар

Дастлабки икки кун фақат
соҳа мутахассислари
таклиф этилади!

www.mebelexpo.uz



Iteca Exhibitions
Тел.: (+99871) 205-18-18.
E-mail: mebelexpo@ite-uzbekistan.uz



ONLINE
РҲҲАТДАН ҲТИНГ

2-xalqaro ko'rgazma





O'zbekiston sanoat
infratuzilmasi — Samarqand

Industrial Infrastructure
Uzbekistan — Samarkand

O'z biznesingizni viloyatlarda rivojlantiring!



Kongress servis
Tel.: (+998 71) 205-14-14. Faks: 237-15-54.
infrastructure@kongress-servis.uz
@kongress.servis @kongress_servis
www.kongress-servis.uz



INDUSTRIAL INFRASTRUCTURE
UZBEKISTAN
SAMARQAND



ONLINE
ro'yxatdan o'ting

2018 YIL
23 — 25 MAY
Samarqand shahri, «Sadaf» tantanalar zali.

* Dastlabki ikki kun ko'rgazmaga
faqat soha mutaxassislari taklif etiladi!
Ma'lumotlar: www.infrastructure.uz

Халқ сўзи

Народное слово


















МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳмадаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 445. 114 526 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган кўлаёмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун олувчи
расмийлаштирилган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят марказида термиди ҳамда оператор
М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газ